



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI  
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“18” август 2021 й. № 02-06/3963

**Оммавий ахборот воситалари,  
ташқи реклама объектлари  
(конструкциялари) эгалари,  
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Товар (иш, хизмат) рекламасининг ўзига хос хусусиятидан бири харидорни чорлашдан иборат бўлиб, реклама тўғри йўлга қўйилган бўлса, харидорларга ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни осон ва кўп вақт сарфламай олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, реклама ахборотларнинг ҳаққонийлиги, ишончилиги рекламада келтирилган рақам ва маълумотларда ифодаланади.

Хусусан, товар (маҳсулот), иш ва хизматларнинг реклама ахборотларида “супер нархда”, “энг арзон нархда”, “товарлар таннархидан паст нархда”, “ҳамёнбоп нархда”, “ярим нархда”, “улгуржи нархда”, “зўр нархда”, “супер арзон нархда” ва бошқа шу каби бўрттирувчи ва ноаниқ иборалардан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда, реклама ахборотидаги маълумотлар амалдаги ҳолатга мос келмаслиги истеъмолчиларга нотўғри ахборот тақдим этилишига йўл қўйилмоқда ҳамда уларда товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, нотўғри ахборотларни қўлланилиши рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган ҳолатларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама хисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Сиздан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз ҳамда рекламаларда товар (иш, хизмат) ҳақида маълумотлар тўғри ва тушунарли бўлишини таъминлашингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов